

# **Бугун Узун тумани ҳокимлиги мажлислар залида туман ҳокими Б.Турсунов раислигига кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Бугун Узун тумани ҳокимлиги мажлислар залида туман ҳокими Б.Турсунов раислигига “Таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳволи ва 2022-йил чақирув мавсумига муддатли ва сафарбарлик чақирув резерви хизматига сифациз танлаб олинган номзодларни келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида ҳамда амалга ошириладиган устувор вазифалар ҳақида”ги масала юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Жанубий-Фарбий махсус ҳарбий округ бошқарув аппарати ташкилий-сафарбарлик бошқармаси бошлиғи, подполковник Бердиев Камолиддин Розиқович ҳамда Сектор раҳбарлари ва туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари, Мудофаа ишлари бўлими, Тиббиёт бирлашмаси ва тиббий комиссия раиси, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари, профилактика инспекторлари нозирлари, ҳарбий ҳисоб стол бошлиқлари, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, ҳалқ талими бўлими, мактаб директорлари ва чачирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани раҳбарлари ва кун тартиbidаги масалага алоқадор бўлган туман ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Кун тартиbidаги 2022-йил чақирув мавсумининг олиб борилиши, муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақирув резерви хизматига номзодларни саралаб олишдаги йўл қўйилган камчиликлар ва 2021-йил чақирув мавсуми давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда ўқув муассасалардаги ўқувчи ёшларни Қуролли Кучлар тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни саралаб олиш ва уйишмаган чақирилувчи ёшларни ҳарбий ватанпарварлик рухида тарбиялаш ҳамда туман ҳокимининг 2021-йил 28-октябрдаги 53-8-118-Ф/21-сонли фармойиши ҳамда 2022-йил 6-мартдаги 85-8-118-К/22-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб, билдирилган фикр-мулоҳаза ҳамда таклифларни инобатга

олган ҳолда йиғилиш

қарор қабул қилди.

1. Узун туман ҳокими Б.Турсуновнинг 2022-йил чақирув мавсумига муддатли ва сафарбарлик чақирув резерви хизматига сифатли номзодларни саралаб олиш тўғрисидаги маъruzаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман комиссия раиси (З.Абданов), туман мудофаа ишлари бўлими (М.Аллаев), маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш туман бўлими, туман ички ишлар бўлими ХПБ (Ж.Ибрагимов), туман мудофаа ишлари бўлими сафарбарлик чақируви резерви бўлинмаси (Ж.Аллаев) ҳалқ талими бўлими (С.Худойбердиев), Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (С.Ташанов) таркибида штаб тузилсин ва ҳар кунлик бажарилган (СЧР, МХХ, ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни саралаб олиш) ишлар юзасидан туман мудофаа ишлари бўлими орқали туман ҳокими номига маълумот бериб борилсин.

2. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш туман бўлими, тумандаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини раислари, профилактика инспекторлари, ёшлар етакчилари ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда:

- 2022-йилнинг 5-апрел кунига қадар 2021-йил СЧР хизмати учун 30 нафар ҳамда 2022-йил чақирув мавсумига ҳар бир маҳалладан 10 нафардан муддатли ва сафарбарлик чақирув резерви хизматига номзодларни саралаб олиш бўйича рўйхатларни шакиллантирсин, пул бадалларини ўз вақитида тўланиши юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бориб кунлик таҳлил қилинсин.

3. Туман ички ишлар бўлими ХПБ (Ж.Ибрагимов) “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

21-моддаси ҳарбий хизматдан кечиктириш ёки 22-модда ҳарбий хизматдан озод қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган чақириувчиларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасига асосан ҳарбий хизмат мажбурлиги, агар ҳарбий хизматдан бўйин товласа ЎР МЖТК нинг 237-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка ҳамда ЎР ЖК нинг 225-моддасига асосан жиноий жавобгаликка тортилиши бўйича кенг қамровли тушунтиришлар олиб борсин.

4. Туман Ҳалқ таълим бўлими (С.Худойбердиев), Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (С.Ташанов) ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини раислари, профилактика инспекторлари, ёшлар етакчилари ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда:

- Олий ҳарбий таълим муассасаларига ҳамда “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейига ўқишга кириш бўйича мактабдаги битирувчи синф

ўқувчилари ва маҳалладаги Олий ҳарбий таълим муассасасига қизиқиши бўлган ёшларга барча зарурий қўлланма ва қизиқиши юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш юзасидан чора-тадбирлар белгиласин.

5. Туман Халқ таълим бўлими (С.Худойбердиев) тассаруфидаги мактабда ишлаётган чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани раҳбарлари мутахассисликлари қайта ўрганиб чиқиб талабга жавоб бермаганларни лавозимидан алмаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003-йил 4-мартдаги 119-сонли қарорига асосан туман Мудофаа ишлар бўлими билан келишилган ҳолда амалга оширсин ҳамда туман ҳокимига чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани раҳбарлари шахс маълумотномаларини туман Мудофаа ишлари бўлими орқали тақдим қилинсин.
6. Туман ҳокимининг ўринбосари (З.Абданов), Мудофаа ишлари бўлими (М.Аллаев) 2022-йил 5-апрел куни бажарилган ишлар бўйича умумий таҳлил ўтказсин ҳамда мажбуриятига совуққонлик билан қараган мансабдор шахсларга интизомий чора қўллансан.
7. Мазкур йиғилиш баёни қарори ижросини бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари З.Абданов зиммасига юклансин.













